

Xabar

26
(1032)-son

29-iyun

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



Огоҳ бўлинг: Ахборот хуружлари

Бугунги замон глобаллашуви жараёнида кимки ахборотга эгаллик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади, деган ибора бежиз пайдо бўлгани йўқ. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича дунёда 20га яқин давлатда ҳаракатлар давом этаётган бўлса, 120га яқин давлат эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормоқда. Улар бунинг учун ҳатто миллион-миллионлаб доллар маблаг сарфлашдан ҳам тап тортишмаяпти.

Айниқса, маънавий таҳдидга, ёшлар онгини эгал-

лашга қаратилган ахборот хуружлари авж олса оляптики, асло пасаймаяпти. Баъзи бир ғаразли кучлар томонидан бу борада турли усул ва услублардан фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, ахборот хуружларининг ёлгон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгини манипуляция қилиш, миллий-маънавий кадрларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона кадрларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда.

5-бет

TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN,
ERKIN VA OBOD VATAN!

Юрт фидойилар билан обод

Доноҳон РАҲМАТУЛЛАЕВА мустақил Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори кун сайин ортиб боришига ҳисса қўшишни ўзини учун бурч деб билувчи юртимиздаги минглаб ёшларнинг бири.

Унинг Тошкент ахборот технологиялари университети магистратура босқичини битириб, "Алоқалойиха" давлат унитар корхонасининг радиоредакцияси ва радиоалоқа бўлимида етакчи муҳандис вазифасида ишлаб келаётганига тўққиз йилдан ошяпти. Бу давр мобайнида у олийгоҳда олган билимларини устози — номи нафақат юртимиз, балки қўшни мамлакатларда ҳам танқили Генриэта Миклина ёрдамида иш фаолиятига тўлиқ жорий этиб, етук мутахассис сифатида шаклланди. Ўзининг бор иқтидор ва билимини амалиётга жорий этиб, ишда катта муваффақиятларга эришди. Унинг ютуқлари соҳа раҳбарияти эътиборидан четда қолмади. Яқинда 7 май — алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг юксак унвони — "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланди.

— Ўша кун ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалардан бири сифатида муҳрланиб қолди, — дейди Доноҳон мамнуният билан. — Қуредошларим ажойиб гуллар қўтариб, қўлагани келишди. Ота-онам энг чиройли гуллардан ясалган гулдаста билан кутиб олишди. Қалбим қувончга, кучоғим гулга тўлиб уйимга қирар эканман, шу азиз юрт фарзанди эканлигимдан, танлаган касбимдан, тақдир мени яхши одамлар қуршовида яшашга насиб этганлигидан ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис қилдим.

3-бет

Сўнги янгилик!

Шу ҳафта Хиндистонда "энг арзон планшет-компютер" — Aakashнинг янги талқини тақдим этилди. Планшетнинг илк нусхаси ўтган йили чиқарилган бўлиб, нархи 2260 рупий ёки 40 доллар этиб белгиланган.

Aakash 2 ҳам худди шу нарҳда, фақат процессори тезроқ, аккумулятори сиғимдор, қолаверса, имкониятлари кенгроқ. Қурилма мактаб ўқувчилари ва талабалар учун мўлжалланган.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Энг моҳир матбуот тарқатувчи	2
■ 16,4 тонна қоғоз иқтисод қилинди	3
■ Уроки прошлого учат дорожить миром	6
■ "Ўзбектелеком" АК: Ислоҳотлар сарҳисоби	11
■ Хужжатсиз "бизнесмен"лар	13
■ Танамизда металл борлиги ростми?	16

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan Jumagacha

➔ KO'RIK-TANLOV

Энг моҳир матбуот тарқатувчи

Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Тадбир санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Президентимизнинг шу йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида билдирилган фикрлар асосида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасаларининг ўрнига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, вилоятдаги таълим муассасалари раҳбарлари, педагоглар қатнашди.

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида бажарилиши муҳокама қилинди.

"Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилган "Озод юрт тўлкинлари-2012" медиафестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Медиафестивалнинг турли номинациялари бўйича ҳамда "Соғлом оила — соғлом жамият" телемарафони волиблари аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Соғлом бола ҳафталиги" тадбирлари бошланди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигидаги мазкур лойиҳа доирасида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш, хусусан, уларни А витамини ва антигеминг препаратлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси, Театр ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида 25 июн куни "Дебют-2012" Ёш режиссёрларнинг 4-Республика кўрик-фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб 24-29 июн кунлари ўтказилаётган бу фестивалда 14 нафар ёш режиссёр турли мавзу ва жанрларда сахналаштирилган спектакллари билан иштирок этади.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси, тўрт йилдирки, сервис хизматлар сифатини ошириш, мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш мақсадида ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини халққа етказиш йўлида бетиним изланаётган ташаббускор ва фаол ходимларни моддий ва маънан рағбатлантириш мақсадида "ЭНГ МОҲИР МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" кўрик-танловини ўтказиб келяпти. Бу саъй-ҳаракатлар, табиийки, ҳар бир зиё тарқатувчининг ўз устида ишлаши, ижтимоий фаоллиги ошиши ва касбига янада масъулият билан ёндашишида жуда муҳимдир.



Танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни Ўзбекистон алоқа тарихи музейида бўлиб ўтди.

Маросимни кириш сўзи билан очган "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов бир неча босқичли мазкур танлов, уни ўтказишдан кўзланган мақсадларга тўхталиб ўтди. Шундан сўнг сўз навбатига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Мирзахидовга берилди. Соҳа раҳбари йиғилганларни касб байрами билан табриклаб, халққа зиё, маърифат улашишдек шарафли касб эгаси бўлиш масъулияти, ўз навбатида, уларнинг нафақат соҳа, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида тугган ўрни ва бошқалар ҳақида атрофчида тўхталиб ўтди.

Сўнгра ғолиб ва совриндорлар, турли номинациялар бўйича етакчиларга турли даражадаги диплом ва кимматбахо совғалар топширилди.

"ЭНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИ"
номинацияси
(мукофот — "Магнит"
русумли электрчойнак)

1. Доно Мўмин-Охунова — 276-
"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Мавжуда Тожибоева — 298-
"Матбуот" дўкони ижарачиси
3. Шахноза Қудратова — 179-
"Матбуот" дўкони сотувчиси
4. Муҳаббат Қурбонбоева — 183-
"Матбуот" дўкони сотувчиси
5. Махкамжон Муродшайхов —
266-"Матбуот" дўкони сотувчиси
6. Дилдора Ҳақимова — 75-"Матбуот" дўкони ижарачиси.

**"ЭНГ ФАОЛ МАТБУОТ ТАРФИ-
БОТЧИСИ"** номинацияси
(мукофот — "Vitek" русумли
электр вентилятор)

1. Шарипжон Икромов — 299-
"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Жамила Мухсимова — 207-
"Матбуот" дўкони ижарачиси.

**"ЭНГ КўП БОЛАЛАР НАШРЛА-
РИ СОТУВЧИСИ"** номинацияси
(мукофот — "Nokia 1280"
мобил телефони)

1. Сатура Мирсаидова — 273-"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Саидакмал Мансуров — 172-
"Матбуот" дўкони ижарачиси.

**"ЭНГ КўП ИЖТИМОИЙ-СИЁ-
СИЙ НАШРЛАР СОТУВЧИСИ"**
номинацияси
(мукофот — "ASATRON"
русумли DVD-плеер)

1. Севар Мирзараҳимова — 264-
"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Элеонора Колоскова — 181-
"Матбуот" дўкони ижарачиси.

УЧИНЧИ ЎРИН
(мукофот — III даражали диплом ва
"SAMSUNG" русумли чангюпчи)

1. Елена Артемьева — 203-"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Баҳром Зияев — 312-"Матбуот" дўкони ижарачиси.

ИККИНЧИ ЎРИН
(мукофот — II даражали диплом
ва "SAMSUNG" русумли
микротўлқинли печ)

1. Кумри Мансурова — 174-"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Сурайё Акбарова — 153-"Матбуот" дўкони ижарачиси.

БИРИНЧИ ЎРИН
(мукофот — I даражали диплом ва
"TCL" русумли рангли телевизор)

1. Хусан Каримов — 295-"Матбуот" дўкони сотувчиси
2. Мавжуда Миродиқова — 280-
"Матбуот" дўкони ижарачиси.

Шунингдек, Мустаҳкам оила йили муносабати билан кўп йиллардан бери компанияда меҳнат қилаётган Миродиқовлар оиласига махсус мукофот топширилди.

Тадбир якунида катнашчилар Алоқа тарихи музейини томоша қилдилар. **Ўа муҳбиримиз**



ФАКТ

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1250тадан ошади. Бугунги кунда анъанавий ОАВлар қаторига рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқлари қўшилган. Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг улуши ҳам тобора ортиб бормоқда. Агар 2000 йили ОАВнинг атиги 14 фонзини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этган бўлса, бугунга келиб кўрсаткич теле ва радиоканалларда 66 фонзга, босма нашрларда эса 50 фонзга етган.

Юрт фидойилар билан обод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бахтдан масрурлиги ва касбига бўлган меҳри чакноқ кўзлари-ю шахдам қадамларида, дадил гапларида акс этиб турувчи Донохон Рахматуллаев ва Тошкент шаҳрида, автобус хайдовчиси Абдуқодир ҳамда шифокор Лутфинисолар хонадониди таваллуд топди. Ота-она фарзандларининг яхши ўқиши, хар томонлама мукамал тарбия топиши учун вақтини ҳам, маблағини ҳам аяшмасди. Шу сабаб бу хонадонда икки алоқачи ҳамда бир нафар авиация ходими (ўғиллари Абдумажид) вояга етди.

Болалигидан ўтти-шудли ва билимга чанқоқ Донохон мактабда яхши ўқиди. Айниқса, физика фани унинг жону дили эди.

— Устозлар борасида омади чопганларданман, — дейди Донохон. — Физика фани ўқитувчимиз Шамсиддин ака Хусниддинов ниҳоятда талабчан инсон эди. Синфдошларим бошқа фанлардан дарс қилмаслиги мумкин эди, лекин физикадан дарсга тайёрланмай келишдан ийманишарди. Устозим, айниқса, физикага қизиқувчи ўқувчиларни алоҳида кадрларди. Мен у кишининг кўрсатмалари билан турли асбоблар ясашни, бузилган электр асбобларини тузатишни ўргандим. Шу тариқа алоқа соҳасига қизиқиш пайдо бўлди. Мактабни битириб, ТАТУнинг радиолоқа, радиоинженерлик ва телевидение факултетига ўқишга кирдим. Магистратура босқичида эса таълимни телекоммуникация тизимлари йўналиши-

да давом эттирдим. Ушбу босқичда ўқиб юрган пайтимда синглим Азиза ҳам ТАТУга ўқишга киришга муваффақ бўлди. Опа-сингил бир-биримизга ёрдам бериб, билмаганларимизни ўргатиб ўқишни давом эттирдик. Бугунги кунда у "Ucell" компаниясида фаолият юритмоқда.

Олийгоҳни янги битириб келган ёш мутахассисни "Алоқалоийҳа" ДУК жамоаси илиқ кутиб олишди. Таниқли муҳандис Генриэта Матвеевна ўзи каби шаддо, ўзи каби чўрткесар Донохонни ёқтириб қолди ва иш жараёнида билганларини ўргата бошлади. Устоз-шогирд ўртасидаги илиқ муносабатга кўпчиликнинг ҳаваси келар, бирор ташкilotга иш билан борса ҳам Миклинининг шогирди сифатида унга хурмат билан муносабатда бўлишар эди. Бу ишни энди бошлаган, юксак орзулар қанотида юрган Донохонга ўзгача гуруҳ баришларди ва устози каби фидойилик билан ишлашга ҳаракат қиларди.

— Корхонамиз муҳандислари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган, — дея суҳбатда давом этади Донохон. — Биз республикамизда фаолият юритаётган "Билайн", "Ucell", "ЎзМобайл" каби мобил компаниялар, шунингдек, сунъий алоқа йўлдошлари иштини лойиҳалаштириш билан шуғулланамиз. Ишимиз ўта масъулиятли. Шунинг учун ходимларимиз бир-бирларини қўллаб, ўзаро ёрдам бериб ишлайдилар ва минг шукрки, барча бююртмаларини ўз вақтида, сифатли бажаришга эришяпмиз.



— Оилали, фарзандли аёл сифатида шундай масъул вазифани бажаришга қийналмаяпсизми? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Қайси соҳада ишламасин, аёлнинг ёнида уни тушунадиган, кийин вазиятларда ёрдам қўлини чўзадиган турмуш ўртоғи бўлса, у рўзгор юритишни ҳам, давлат ишларини ҳам, боласини хар томонлама баркамол тарбиялашни ҳам уддалайди. Турмуш ўртоғим Хайрулла Рахматуллаев билан курсдошимиз ва бир корхонада ишлаймиз. Таъбир жоиз бўлса ҳаёт денгизининг бир кemasида бирга сузаяпмиз. У киши линия иншоотлари ва кабел алоқаси бўлимида муҳандис бўлиб ишлайди. Қизимиз Муқаддамхон олти ёшга кирди. Соҳамиз, фикру ўйларимиз бир бўлгани учунми, хар қандай вазиятда бир-биримизни тушунагимиз ва ёрдам

берамиз. Бизга бир неча бор мобил компаниялардан таклифлар бўлди. Лекин шу кадрдон корхонадан кетишни истамадик. Негаки, давлатимиз бизнинг ўқишимиз, ишлашимиз учун ҳамма шароитни яратиб берапти. Шундай экан, она Ватан равнаки учун жон куйдириш, унинг ривожига баҳоли қудрат ҳисса кўшиш бизнинг бурчимиздир.

Ха, тарихан қисқа муддат ичида эришган муваффақиятларимиз, олиб борган оламшумул бунёдкорлик ишларимиз Донохон Рахматуллаева каби минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати, интилишлари гуфайли қўлга киритилляпти. Бундай инсонлар бор экан, юртимиз янада обод, янада гўзал бўлаверади, ютукларимиз салмоғи янада ортаверади.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири



"Регионлар. Сурхондарё вилояти" почта маркалари чиқарилди

2012 йил 20 июнда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тайёрлаган "Регионлар. Сурхондарё вилояти" номли почта маркалари муомалага чиқарилди.

"Регионлар. Сурхондарё вилояти" почта маркалари туркуми зашжир кўринишида чоп этилган. Туркум иккита почта маркаси ва ораликда жойлашган купондан иборат.

Почта маркаларида Термиз шаҳрининг тарихий обидалари — Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва Улоқ-Қўтқари миллий ўйини тасвирланган.

Купонда Сурхондарё вилоятининг географик харитаси ҳамда ташкил топган йили, майдони, аҳоли сони ва вилоят маркази кўрсатилган.

Почта маркалари бир неча рангда ишланган. Офсет усулида осылган. Перфорацияси тароқсимон. Қоғози оқ силлик. Маркаларнинг ўлчами 42x30 мм. Адади — 10 минг нуска.

Идентификация рақамлари берилган. 1025. "Ал-Ҳаким ат-Термизий" мақбараси (Термиз) — Номинвали — 900 сўм.

1026. "Улоқ-Қўтқари" (Сурхондарё). — Номинвали — 1200 сўм.

Дизайнер — У. Юсупалиев.

Pochta.uz

16,4 тонна қоғоз иқтисод қилинди

Солиқ тизимида ҳозирги кунда ўндан зиёд интерфаол хизмат турлари ва бошқа бир қатор фойдала электрон хизматлар кўрсатишмоқда. Улардан бири — "Электрон солиқ хисоботларини қабул қилиш" хизмати-дир. Ушбу хизмат орқали солиқ ва молия хисоботларини давлат солиқ хизмати органларига электрон шаклда юбориш мумкин. Бундай хисоботни тақдим этишда электрон рақамли имзодан

фойдаланилади ва у имзоланган расмий ҳужжат мақомига тенглаштирилган.

Электрон хисобот топширишнинг хар томонлама қулайлиги тадбиркорлик субъектларининг ушбу хизматга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Ушбу тизимдан фойдаланувчилар сони 2011 йилда 194 минг 700 нафардан ошди. Жорий йилнинг беш ойида эса уларнинг сони қарийб 206,5

мингга етди. Бу солиқ хисоботларини тақдим этиши зарур бўлган корхоналарнинг 84 фоизини ташкил этади.

Мазкур тизимнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, жорий йилнинг ўтган даврида 1,5 миллиондан ортиқ солиқ ва молиявий хисоботлар электрон шаклда тақдим этилди. Натияжада 16,4 тонна қоғоз иқтисод қилинди.

Ўз мухбиримиз

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологиялар

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимларида рўйхатга олинган барча автотранспорт воситаларининг ягона электрон базаси яратилди. Ушбу база орқали транспорт воситаларини қидириб топиш, транспорт воситаларини рўйхатлашдаги операцияларни қисқа муддатда ва фуқаролар учун қулай тарзда бажариш мумкин.



Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинишича, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда "Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компютерлаштирилган тизimini яратиш" лойиҳаси ишлаб чиқилган.

У пойтахт кўчаларида йўл ҳаракати ва унинг қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракатини назорат қилиш, қондабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ва профилактика ишларини тақомиллаштиришга хизмат қилади. Шу мақсадда чорраҳалар ҳаракатини назорат қилувчи замонавий техник воситалар, детектор, видеокамера, фоторадар, фиксаторлар билан жиҳозланмоқда.

Аксарият йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлувчи тезликни меъёридан ошириш ҳолларига қарши курашиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб вазият мураккаб бўлган ҳудудларга фоторадарлар ўрнатилган. Натияжада йўлларимизда оғир оқибатли йўл-транспорт воситалари камайишига эришилди. Шунини инобатда олиб, 2011 йилда 12 фоторадар комплекси ва йўл-патрул хизмати автомобилларига ўрнатилган 148 видеокузатув мосламаси харид қилинди ва амалиётда фойдаланилмоқда. Жорий йилда уларнинг сони янада ошириш режалаштирилган.

ЎзА

Xalqaro hayot



ЕВРОИТТИФОҚ Сурия муносабатида санкция рўйхатини кенгайттирди. Бу мазкур рўйхатга 16-бор қўшимча киритилиши. Қўшимчалар Сурия Халқаро ислом банки, Сурия Миллий нефть транспорт компанияси ва мамлакат матбуот котиби Бутейн Шаабанга тааллуқлидир.

ОЛИМЛАР Марс сайёрасида ҳаёт мавжуд эканини исботловчи янги далилларни аниқладилар.

Маълумотларга қараганда, тадқиқотлар давомида космик аппарат ёрдамида катта миқдордаги минерал қатламларни суратга олишга муваффақ бўлинган.

Экспертларнинг хулосасига кўра, ушбу қатламлар илгари сайёрада тирик организмлар — мавжудотлар яшаш учун шароит мавжуд бўлганидан далолат беради. Қизил сайёрада тадқиқот ишлари давом этмоқда.

EUROSTAT статистика бюросининг янги ахборотига кўра, Европа Иттифоқидаги энг қиммат мамлакатлар рўйхатида Дания биринчи ўринни эгаллаган. Бу мамлакатда нарх-наволар иттифоқ бўйича ўртача нархлардан тахминан 42 фоиз юқори. Швеция иккинчи ўринни банд этган. Бу ердаги ҳолат ЕИнинг ўртача даражаси билан таққослаганда 28 фоизга баланд. "Етакчилар" училигини Финляндия яқунлаган.

Энг паст нархлар Болгарияда (ЕИ бўйича ўртача нархлардан 55 фоиз паст), Полша ва Руминияда (60 фоиз), Венгрияда (64 фоиз) ҳамда Литвада (66 фоиз) қайд этилган.

АМЕРИКАлик олимлар кўкрак беги саратони касаллигининг энг оғир турига қарши вакцина ишлаб чиқдилар, деб хабар беради RATA-TACC. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу касалликка чалинган беморларнинг кўкрак қисмида ривожланган зарарли ўсимта инсон танаси бўйлаб жуда тез тарқалади. Мазкур вакцина эса қондаги Т-лимфоцитлар таркибини камайтириб, ўсимтанинг ривожланишига йўл қўймайди.

Маълумотларга қараганда, сичқонларда тажриба қилинган ушбу дори ижобий натижа берган. Шифокорлар мазкур вакцинадан нафақат саратон касаллигининг ривожланиш босқичларида, балки касалликнинг олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

ФРАНЦИЯда робот-автобус яратилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳайдовчисиз ҳаракатланган мазкур транспорт воситаси датчиклар ёрдамида бошқарилади.

Ушбу робот-автобуснинг яна бир афзаллиги шундаки, у тўсиқлар ва одамларга урилиб кетмайди ҳамда манзилни аниқ топиб боради. Хабарларга қараганда, ҳайдовчи талаб этмайдиган бу автобусга бир вақтнинг ўзида ўттиз киши сивади. Автобус соатига йигирма беш километр тезликда ҳаракатланади.



Фотокамера:

Минг чандон олдинга

Дюка университети (АҚШ) муҳандислари 1 гигапикселли сурат олувчи фотокамера прототипи (AWARE-2)ни яратди. Тўғри, гигапикселли камера гоёяси янгилик эмас, аммо унинг аввалгиларидан фарқи нисбатан ихчамлиги (75x50x50 см) ва тезкорлигидадир.

Энг замонавий рақамли фото камералар 5-40 мегапикселли фотосуратлар олиши мумкин, гигапикселли камера эса 1000 мегапикселли сурат олади.

Лойиха раҳбари Дэвид Брэди

нинг айтишича, аксарият замонавий гигапикселли суратлар, том маънода айтганда, юзлаб 20-23 мегапикселли фотосуратларнинг бири-бирига уланган кўринишини эслатади. Янги камера эса яхлит сурат олади, бир қарашда кўзга ташланмаган деталлар яқинлаштирилганда аниқ-тиниқ намоён бўлади, тасвир сифати бузилмайди. Бу камера гигапикселли сурат олишга бор-йўли 0,1 сония вақт сарфлайди.

Камеранинг катта қисми процессинг учун электроника ва қурилмани боғловчи қисмлардан ташкил

топган. Камеранинг оптик тизими 98та микрокамералар билан ўралган ва ҳар бири 14 мегапикселли разрядга эга олти сантиметрли шарсимон линзалардан иборат. Супер камеранинг оптик тизими тахминан 10 килограмм тош босади, умумий оғирлик эса 45 килограммни ташкил этади.

— Келгусида камерани янада такомиллаштириб, энг илғор электроникани татбиқ этамиз ва унинг оғирлиги тўрт мартабагача камайдим, — дейди Брэди Nature илмий журнаliga берган интервьюсида.



Янги симсиз технология

Ватерлоо (Канада) университети олимлари симсиз тармоқларда маълумотларни икки томонлама узатиш технологиясини ишлаб чиқиди. Phys.org тарқатган маълумотга кўра, янги ишланма ҳаво орқали сигнални бир йўла икки томонга радиоканалнинг бир частотасида йўллай олади.

Маълумки, амалдаги симсиз тармоқлар Мэски рақиялар тамойилида ишлайди: бир пайтнинг ўзида гапириш ва эшитиш мумкин эмас. Бунга сабаб чиқувчи сигнал кучи бир частотадаги исталган кирувчи сигнални босиб кетишидадир.

Канадада ишлаб чиқилган икки томонлама технология операторларга камида тармоқларнинг ўтказувчанлигини икки бараваргача ошириш, симсиз канал бўйлаб кўпроқ овозли ва бошқа маълумотларни узатиш имкониятларини беради. Қолаверса, юқори хавфсизлик ва самарадорлик таъминланади.

Муаллифлар икки томонлама сигналларни ишловчи қурилмалар таннархи ва антенналарнинг ўлчамлари анъанавий бир томонлама қурилмаларникидан айтарли фарқ қилмаслигини таъкидлашяпти.

Бироқ, кенг татбиқ этилишидан аввал, янги технология тегишли назорат органларнинг тасдиғини олиши ва симсиз тармоқ стандартлари тизимига кириши талаб этилади.

АТ-хабарлар

Германия ҳукумати аудио-кассеталар оммалашган даврда флешкалар (кўчма сақлагичлар) учун жорий этилган солиқни энди сезиларли даражада оширди. Бу сақлагичлар сирасига CD, DVD ва бошқалар кириб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчиларнинг фикрича, улардан лицензияли маълумотларни ноқонуний кўчиришда фойдаланилмоқда.

Шу пайтгача флешканинг сифимидан катъи назар унга 0,1 доллар солиқ белгиланган эди. Янги тартибга кўра, масалан, 1 гигабайтдан юқори USB-сақлагичлар учун солиқ 1850 фоиз оширилиб, 1,93 долларини, 4 гигабайтдан юқори хотира карталари учун 2338 фоиз оширилиб, 2,42 долларни ташкил этапти.

Япониянинг йирик компаниялари — Sony ва Panasonic OLED-экранли янги авлод телевизорлари ишлаб чиқишда ҳамкорликни қўлга қўймоқчи. Бу соҳада уларнинг асосий рақобатчилари Жанубий Кореянинг Samsung Electronics ва LG Electronics компаниялари ҳисобланади.

1980-1990 йилларда Sony ва Panasonic жаҳон телевизорлар бозорининг етакчилари саналарди, бироқ корейс ишлаб чиқарувчиларнинг агрессив маркетинг сиёсати кейинчалик кучларнинг ўзаро тақсимланишига олиб келди.

Жаҳондаги веб-сайтларнинг деярли ярми Facebook билан боғланганлиги Швециянинг Pingdom компанияси ўтказган мониторингда юзага чиқди.

Интеграциялашув, масалан, биринчи навбатда, бу сайтлардаги Facebookка ҳаволалар, шунингдек, ўз Facebook-аккаунти орқали сайтларда авторизациядан ўтиш, бу сайтларда шарҳ қолдириш, овоз бериш ва хоказо жараёнларни ўз ичига олади.

Огоҳ бўлинг:

Ахборот хуружлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Энг ачинарлиси, ёш авлоднинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида "ўргимчак тўри" деб ном олган интернет тармоғига мурожаат қилмоқда. Албатта, бу тармоқнинг қулай ахборот манбаи экани, истаган нарсангизни ундан бир зумда топа олишингиз мумкинлиги, сониялар ичида дунёнинг нариги чеккаси билан боғланиш имконияти мавжудлиги муҳим омил. Шу билан бирга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг бу чексиз инъомидан ўз ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бораётганидан кўз юма олмаймиз.

Ўзбекистонда ҳам интернетдан фойдаланувчилар сони кун сайин ўсиб, ҳозирги пайтда 9 миллиондан ошгани, уларнинг аксарияти ёшлар эканини ҳисобга олсак, бу ҳолат барчамизни янада огоҳ ва эргак бўлишга ундайди.

Президентимиз ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида: "...Такрор бўлсада, айтмоқчиман — ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобилига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас. Шу билан бирга, бутун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётини қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чагиртишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди", — дея бежиз таъкидлагани йўқ.

Дарҳақиқат, бутун глобал ахборот маконига реал кўз билан қарасак, жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконига носоғлом манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги агрессив, миллий ахборот маконимизга, маънавий қадриятларимизга ва баркамол авлоднинг тарбиялашдек эзгу ғоямизга мутлақо зид бўлган ахборотлар оқимининг қириб келаётганидир.

Ахборот соҳаси либераллашган бир пайтда, узоқ ва яқин минтақалардаги турли хил сиёсий, мафқуравий ва бошқа кучлар ўзларининг чиркин манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини суниётсиз қилиб, ахборот таҳдидлари орқали ҳали онги ва ҳаётини қарашлари шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни чагиртиш, уларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги ҳаракатларни қучайтираётгани сир эмас.

Шундай экан, бугунги ёшларимиз ҳамма соҳага қизиқувчан, янгилликларни бир зумда ўзлаштириб оладиган, ҳар қандай ахборотни тез қабул қиладиган хислатларга эгаллигини ҳисобга олиб, уларни турли манбалардан, ёт мақсадларни кўзлаб тарқалаётган ахборотлардан муносиб ҳимоялаб олишимиз даркор.

Хўш, бу каби ижтимоий ҳавфи юқори бўлган глобал муаммоларга қарши курашиш учун нима қилиш даркор? Миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Мисол учун, "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда

ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этишнинг тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Аммо ҳали истиқболда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Бу каби ижтимоий ҳавфи қатта бўлган муаммолардан ҳоли бўлиш учун мамлакатимизда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш бўйича йирик миллий лойиҳани яратиш зарур. Бойси, "Google" компанияси таҳлилларига кўра, Ўзбекистондан кунига odnoklassniki.ru сайтига 200000, Facebook сайтига — 90000га яқин, moymid сайтига 40000 нафардан ортиқ киши қираётир. Ва



ёшларга оид миллий қонунчилигимизга маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдинчи олишга қаратилган зарур ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш даркор.

Бу борада, айниқса, ҳоррият таърибаси билан таъинланган ҳам фойдаланувчи бўлмайди. Масалан, Буюк Британияда "Ўзини тутиш кодекси" ва "Хавфсиз тармок" мустақил жамғармаси зарарли қонунчиликни назорат қилади. Айрича Европа давлатларида қонун асосида вомақбул сайтларни ёпиб қўйиш (блокировка қилиш) белгилаб қўйилган. Хусусан, Герма-

казишти мумкин. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, улуғсиз олиб бориладиган маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдинчи олишга қаратилган зарур ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш даркор.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 май куни пойтахтимизда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда журналистларнинг саволларига жавоб қайтара туриб айтган қуйидаги сўзлари ҳам бизни теварак-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга янада теран назар ташлаб, мушоҳада қилиб, окни қорадан ажратиб қўлади:

"Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан ҳулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яққо ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади".

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон қўлга қиритаётган салмоқли ютуқлар, барча соҳаларда олиб борилаётган изчил иш-хотларнинг юксак натижалари ва самаралари жаҳон ҳамжамиятини ҳайрат ва ҳавасга солмоқда. Мамлакатимиз тараққиётидаги бу тарихий эврилишларнинг бойси эса, албатта, эркин ва озод, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мевасидир. Тарихий хотира ҳам, шу маънода, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, бой миллий меросимиз ва қадриятларимиз, урф-одат, анъаналаримизни эъзозлаш, юртимизни тараққий этган илгор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш учун фуқароларимизда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Келажаги буюк ва эртанги куни порлоқ юртва, миллатга ҳар томонлама соғлом, маънан етук ёшлар зарур. Шу боис, бугунги кунда ёш авлод тарбиясига бўлган эътибор бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимизнинг: "Бугун ёшларимиз халқ қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиратишти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонман", деган сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужжасам.

Шундай экан, ёшларимиз онгини эгаллашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга, миллий манфаатларимизга раҳна солишга, маънавиятимизга тажовуз қилишга, умримиз мазмунга бўлган тарихий хотирамизни бузишга уринаётган ғаразли кучларга қарши доимо огоҳ туришимиз даркор. Ана шундагина бизни ҳеч ким, ҳеч нарса ўз танлаган йўлимиздан орта қайтара олмайди ва биз қўзлаган улдуғвор мақсадларимизга албатта етамиз.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

2002 йилда "Uz" доменида атиги 587та сайт фаолият юритган бўлса, энди уларнинг сони 15 мингга яқинлашди. Шундан 160тадан ортиги ОАВ сифатида рўйхатга олинган. Ахборот-кутубхона марказларининг фонди ҳам 21401 нусхадаги адабиётга кўпайиб, 4 миллион 952 минг 132 нусхани ташкил этмоқда.

ҳоланки, юртимиздаги doira.uz, vsetut.uz, odnoklassniki.uz, sindosh.uz, mulqot.uz, olam.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтган фуқароларимизнинг барчаси жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди.

Шунингдек, давлат идоралари, фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотларининг аҳоли, айниқса, ёшлар билан мунтазам мулоқотда бўлишларига эришиш, интернет тармоғини миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-сайтлар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қондаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайтлардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур. Аҳолининг ҳолис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир фуқаро тафаккурида мафқуравий иммунитетнинг шаклланишга шароит яратиш, ғоявий муҳолифларимизнинг ҳаракатларига қарши маънавий-маърифий тарбиятни қучайтириш, воқеа етмаган

ниядя бу масала суд қарорига кўра амалга оширилади. Россияда эса турли ахборот хуружларига қарши курашиш мақсадида "Хавфсиз интернет маркази" ташкил этилган. Умуман, Европа Иттифоқи томонидан бу борада бта қонун ҳужжати қабул қилинган ва "Хавфсиз интернет" дастури ишлаб чиқилган.

Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўпала технологиялар, филтрловчи дастурий таъминотлар ҳам яратилган.

Юртимизда интернет халқро ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириш ҳам бугунги куннинг энг долзарб заруриятидир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда.

Шунинг унутмаслик лозимки, бугун юртдошларимиз онгига бир қарашда арзимас бўлиб туқоладиган қичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан қуч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён ет-

НЕДОСТАТКИ

в лицензионной деятельности
ИПП ООО "O'zdunrobta"

Мониторинг, проведённый Государственной инспекцией связи, а также анализ обращений поступивших от абонентов сотовой связи показывает, что имеют место случаи ухудшения качества предоставления услуг сотовой связи со стороны ИПП ООО "O'ZDUNROBITA".

Кроме этого, при проведении мониторинга в разных регионах республики, было выявлено, что по временным разрешениям Центра электромагнитной совместимости осуществлялась незаконная эксплуатация 48 базовых станций сотовой связи компании "O'ZDUNROBITA". В частности:

- в городе Ташкенте 15 (3G) и 9 (GSM-1800);
- в Сурхандарьинской области 3 (GSM-1800);
- в Самаркандской области 5 (GSM-1800);
- в Андижанской области 1 (GSM-1800);
- в Кашкадарьинской области 3 (GSM-1800);
- в Наманганской области 2 (GSM-1800);
- в Джиззакской области 3 (3G);
- в Республике Каракалпакстан 7 (GSM-1800) базовые станции.

По фактам выявленных нарушений Государственная инспекция связи выдала предписание ИПП ООО "O'ZDUNROBITA" о приостановлении со дня получения предписания незаконной эксплуатации вышеуказанных базовых станций.

Также уведомила о том, что в случае невыполнения возложенных в предписании требований, будет решаться в установленном законодательством порядке вопрос о приостановлении, либо прекращении действия лицензии, выданной ИПП ООО "O'ZDUNROBITA".

gis.uz

УРОКИ ПРОШЛОГО

учат дорожить миром

Память, почет, уважение, забота — эти жизненные принципы, присущие народу Узбекистана, в очередной раз проявились в День памяти и почестей, широко отмеченный в нашей стране 9 мая.

В торжествах в Ташкенте на площади Памяти принял участие Президент Ислам Каримов. Глава государства тепло поздравил ветеранов Второй мировой войны, всех узбекистанцев с всенародным праздником и дал интервью представителям средств массовой информации.

Вышесказанные Президентом оценки международной обстановки, вклад Узбекистана в укрепление мира и стабильности, задачи по патриотическому и духовно-нравственному воспитанию молодежи широко обсуждаются в трудовых коллективах, общеобразовательных учреждениях, общественных организациях.

В целях выполнения распоряжения об организации разъяснения задач, обозначен-

ных главой государства в интервью, Хорезмским областным территориальным управлением связи и информатизации совместно с областным информационно-библиотечным центром проведена беседа, участниками которой стали преподаватели и студенты Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий.

Выступившие на ней начальник областного территориального управления УзАСИ К. Хатитбаев, директор областного информационно-библиотечного центра Р. Курбанов, директор Хорезмского филиала Ташкентского университета информационных технологий У. Кутлиев, доцент Ургенчского государственного университета А. Ахмедов, представитель Узбекского правления мусульман в Хорезмской области Д. Абдукадыров и другие отмечали, что уроки прошлых лет учат дорожить миром. Старшее поколение хорошо понимает и ценит усилия главы государ-

ства, направленные на обеспечение стабильности и благополучия в независимом Узбекистане, без которых теряется уверенность в завтрашнем дне, становится невозможной созидательная жизнь.

Укреплять силу и мощь нашего государства, проявлять бдительность и не оставаться безразличным к событиям, происходящим в мире, особо подчеркнул Президент, — первоочередная задача каждого из нас.

Завтрашний день, будущее Узбекистана сегодня находится в руках нашей молодежи, которую необходимо воспитывать в духе патриотизма, бескорыстной любви к Родине.

Для участников беседы был показан созданный работниками ИБЦ озвученный видеоролик "Хорезм", отображающий историю и сегодняшний день нашего края.

Зульфия МАШАРИПОВА
зав. отделом обслуживания пользователей Хорезмского ИБЦ

В Пурпурном зале компании организована пресс-конференция, посвящённая первой годовщине ребрендинга, празднованию Дня Ucell, а также открытию первого в Республике Ucell Cafe.

По словам генерального директора Ucell, Огуза Мемтигювена, итоги деятельности компании, подтверждают основательность и перспективность намерений Ucell в Узбекистане.

"В плане финансовых и инвестиционных показателей отметим, что TeliaSonera является крупнейшим налогоплательщиком в Узбекистане в лице Ucell. За прошедшие 4 года было уплачено 407 миллиардов сумов в виде налогов.

За это же период инвестиции в развитие сети Ucell составили свыше 600 миллионов долларов по всей стране.

Спонсорские выплаты TeliaSonera в Узбекистане составили около 6,5 миллиардов сумов за прошедшие 4 года, и они продолжают увеличиваться в рамках глобальной Корпоративной Социальной Ответственности.

Рост выручки в I квартале 2012 года составил 20% по сравнению с I кварталом 2011 г. За этот же период почти в два раза увеличилась выручка от мобильного интернета, количество пользователей увеличилось на 30%", — отметил Огуз Мемтигювен.

Ucell является бесспорным лидером по реализации устройств мобильной передачи данных, и в этом году планируется удвоить объём покрытия 3G в Узбекистане. В настоящий момент 3G сеть Ucell покрывает густонаселённые территории, на которых проживает 83% населения Узбекистана.

Наиболее перспективным сегментом на-



СЧАСТЛИВЫЙ ЦВЕТ пурпурного талисмана

ших абонентов является молодёжь, она составляет около половины общего числа наших абонентов.

В настоящий момент дилерская сеть Ucell насчитывает более 2200 активных пунктов, с персоналом которых постоянно ведётся обучение. Всё это направлено на повышение качества обслуживания наших абонентов. Кроме этого, существуют специальные программы поощрения дилеров, благодаря которым самые активные партнёры компании имеют возможность посетить зарубежные страны и обменяться своим опытом среди коллег.

Ucell является инновационной, технически продвинутой компанией, которая постоянно модернизирует сеть и системы,

100% реализуемых устройств кастимизированы под сеть бренда Ucell, более 150 000 устройств распространены среди дилеров и в офисах компании, более 90 000 3G модемов подключены к сети.

Далее руководитель компании ответил на вопросы журналистов. Вопросы касались практически всех сторон деятельности компании: перспективы развития сети 3G и широкополосного доступа в интернет в республике, введение в действие новой, прогрессивной биллинговой системы, конкуренции на рынке коммуникативных услуг Узбекистана и многие другие. Из ответов г-на О.Мемтигювена следовало, что Ucell — компания с серьёзными деловыми намерениями, что Ucell — компания инновационная и передовая, Ucell — компания, постоянно стремящаяся повысить качество услуг для своих абонентов.

После пресс-конференции состоялось торжественное открытие первого Ucell Cafe. После короткой речи Огуз Мемтигювен разрезал пурпурную ленту, открыв двери первого в республике Ucell Cafe.

— Ucell Cafe может посетить любой желающий, но только наши абоненты будут иметь привилегии для обслуживания по меркам "World Class", — заявил Даврон Азизов, глава департамента по корпоративным связям.

"Билайн" запустил услугу

"SMS-уведомления
о новой почте Mail.ru"

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) запустил новую услугу "SMS-уведомления о новой почте Mail.ru". Она позволяет получать сообщения на мобильный телефон о вновь пришедших письмах и обеспечивает упрощённый доступ в электронный почтовый ящик на сайте www.mail.ru.

иштирок этганлардан. Аҳолининг маиший турмуш даражасини юксалтиришда, замонавий ҳамда сифатли алоқа хизматини кўрсатишда Нўмон аканинг ҳам хизмати ўзгача.

Хафиза Мейлиева, Тўлқин Хайитов, Муҳиддин Ёдгоров, Иброҳим Жуманкулов, Абумалик Тўраев, Халоват Жабфарова, Жовли Раҳимов сингари 3-АТС ходимлари учун Нўмон ака устоз саналади.

Оилада тўрт нафар фарзандни тарбиялаб фояга етказган Нўмон аканинг ўғли Наимжон ҳам ота касбини эгаллаган, укалари Хасан ва Юсуф ҳам алоқачи.

— Уйдан қатнайдиган манзилим ўша-ўша, — дейди Нўмон ака. — Салкам қирқ йил бир манзил орасидан. Хозир техника анча ривож топди. Бир вақтлар алоқа линияларидаги носозликлар анча вақтнинг беҳуда ўтишига сабаб бўларди. Эндиликда буларга барҳам берилди. Носозликлар тўғрисида станциянинг ўзи хабар беради. Алоқа воситаларининг турли кўриниши давримизга кириб келган бўлсада, хар бир алоқа воситасининг ўз ўрни бор. Станциямига телефон нуқтаси тўғрисида мурожаат этаётганлар сони ҳамон кўп. Негаки, уй телефонларининг афзалликлари, унинг бажараётган кўп функциялари кундан-кунга ортиб бормоқда. Буларни кўриб завқланмай бўладими. Ўзгаришлар янгидан-янги кашфиётларни олиб келмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Тақдимот

Маҳаллий ижодкорлардан бири — карманалик адиба Салима Умарова билан ижодий учрашув кечаси ўтказилди. 2012 йилнинг "Суюк қизалоғим, азиз ўғлоним" асари чоп этилди, асарни китобхонларга тавсия этиш мақсадида АКМ ўлкашунослик сектори ҳамда Навоий Давлат педагогика институтини хузуридаги академик лицей билан ҳамкорликда тақдимот кечаси ўтказилди.

Тадбирни академик лицей маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари Лутфулло Каримов очди. Шоиранинг асарларидан тадбирга бағишлаб "Карманалик адиба" мавзусида кўرғазма ташкил этилди. Холбиби Сафарова устози ҳамда ҳамкасби сифатида адибанинг ижодига тўхталиб ўтди. Шундан сўнг шоиранинг шоғирдлари "Суюк қизалоғим, азиз ўғлоним" асаридаги хикояларнинг мазмуни билан китобхонларни таништирдилар.

НДПИ хузуридаги академик лицей ўқитувчиси Н. Сулаймонова "Суюк қизалоғим, азиз ўғлоним" асарини видеоролик кўринишида намоиш этиди ҳамда асар ҳақида маъруза қилди. Академик лицей талабалари ҳамда "Нихол" тўғараги аъзолари, АКМ кутубхоначилари адибанинг асаридаги шеърлардан намуналар ўқиб беришди. Тадбир сўнггида адиба ижодида кизиқувчи китобхонларнинг саволларига жавоб берди, тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдириб, "Суюк қизалоғим, азиз ўғлоним" асаридаги ахборот-кутубхона марказига тухфа этди.

Д. ЖОНИЕВА,
АКМ ўлкашунослик
сектори мудири

Зиё таратиб...

Марғилон шаҳар хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи ахборот-ресурс маркази низоми асосида ахборотнинг янги ташувчиларини кутубхоначилик ишига татбиқ этиб, ўқув муассасаси ҳамда аҳолига ахборот хизмати кўрсатишни таъминламоқда.

— Марказимиз фаолиятининг мақсад ва вазифаси китобхонларнинг ҳуқуқий маданиятини камол топтириш ва ёшларни инсонпарварлик, миллий ғурур руҳида тарбиялаш, маънавий маданиятини қайта тиклашда тарбиявий функцияни амалга ошириш, китобхонларда юртимиз тарихи ва ўлкашуносликка бўлган қизиқини уйғотиш, китобхонларнинг бўш вақтларини ташкил этишда маънавий-маданий усулларни татбиқ этиш, китобхонлар талабини ҳисобга олиб, китоб фондиди бойитиб боришдан иборат, — деди ахборот-ресурс маркази раҳбари Моҳира Жўраева. — Бундан ташқари, зиммамизга марказни замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаб, тезкорлик билан ўқувчилар ва аҳолининг хар қандай талабларни қондириб бориш вазифалари юклатилган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи 2007 йил сентябр ойидан буён янги замонавий бинода фаолият кўрсатиб келяпти. Бугунги кунда коллежда бешта йўналиш — Тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технолог, Ёнишли кўйиш шохобчаларига сервис хизмати кўрсатиш техник, Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатил, таъмирлаш ва ишлатиш устаси, Маиший хизмат техникалари ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста ҳамда Ҳисобчи йўналишларида 667 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Марказ худуддаги "Наврўз" маҳал-

Марказнинг 30 ўринга мўлжалланган ўқув залида "Президент асарлари", "2012 йил — Мустаҳкам оила йили", "Қонуниimiz ва қомунсимиз", "Буюк сиймо", "Соҳибқирон Темур", "Одам савдоси", "Она ва бола", "Гиеҳвандлик — аср вабоси" каби китоб кўрғазмалари ва бурчаклари ташкил этилган.

ла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Маҳалланинг фаол китобхонларидан Халима Хасанова, Дилрабо Халиловалар Жаҳон Отин Увайсий ижодий тўғараги аъзоларидир. Ўтган йили китобхон Дилрабо Халилованинг "Ишқ остонаси" номли илк китоби тақдими АРМда ўтказилди. Маҳаллада жойлашган 15-умумтаълим ўрта мактаби битирувчилари билан

бўлган давра суҳбатлари жуда ҳам мазмуни ўтди.

Бундан ташқари, марказ томонидан шаҳарнинг чекка худудидаги "Ёйилма" маҳалла фуқаролар йиғинида шохобча очилган бўлиб, марказ ходими Ирода Нишонбоева 320 нафар китобхонга хизмат кўрсатмоқда.

Ахборот-ресурс марказининг умумий китоб фонди 14323тани ташкил этади, шундан дарсликлар — 5577, бадиий адабиётлар — 7730, сиёсий адабиётлар — 138, қўшимча адабиётлар — 859, мултимедия дарсликлари — 19тадан иборат. Марказда "Фаол китобхонлар" клуби ташкил этилган бўлиб, уни Муҳаббат Имомалиева бошқаряпти.

Марказнинг 30 ўринга мўлжалланган ўқув залида "Президент асарлари", "2012 йил — Мустаҳкам оила йили", "Қонуниimiz ва қомунсимиз", "Буюк сиймо", "Соҳибқирон Темур", "Одам савдоси", "Она ва бола", "Гиеҳвандлик — аср вабоси" каби китоб кўрғазмалари ва бурчаклари ташкил этилган. Марказ учун 28 номдаги оммавий ахборот воситаларига обуна қилинди. Марказ ўқув залига кирган ўқувчи ўз хоҳлаган газета ёки журнал тахламини олиб ўқиш имкониятига эга.

Марказ ўқув залида 2012 йил — Мустаҳкам оила йилига бағишлаб китоблар бурчаги ташкил этилган бўлиб, унда оилага доир қонулар, ҳуқуқий-меъёрий қўлланмалар қўйилган.

Тадбирларда фаол қатнашган ўқувчи-китобхонлар коллеж раҳбарияти, "Қомолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан рағбатлантириб борилмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида уяли алоқа воситаларининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида қатор баҳс-мунозаралар бўляпти. Замонавоситасига қанчалик боғланиб қолганимизга ҳам келтирмаймиз. Гарчи бунинг гини айтолмасак-да, уяли телефонлар вақтда исталган жойга боғланиш имко-

навий алоқа мизни эса ҳаёлий яхши ёки ёмонлар орқали исталган ниятига эгамиз.



Уяли алоқа воситалари:

Улардан меъёрида фойдаланайлик!

Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари соҳасида жуда катта ютуқларга эришилмоқда. Умуман, бугун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари кескин ривожланиб борапти. Тараккий этган давлатларда ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор берилмаётгани бежиз эмас. Бинобарин, бугун ахборот-коммуникация технологиялари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг муҳим шартларидан бирига айланган.

Хар қадамда ёшу кексанинг, ўсмирлар, хатто ёш болаларнинг турли русумдаги уяли телефонлар орқали гаплашаётганини кўриш оддий ҳолга айланган. Лекин кўпчилик уяли телефонларнинг инсонлар, айниқса, ёш авлод организмга қандай зарари таъсир кўрсатишидан беҳабар.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида олимлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефонлардан фойдаланувчилар бош оғриғи, бош айланиши, нохушлик, кулоқ атрофида "иссиқлик"ни ҳис этиш, кўнгил айнаши, тез чарчаш каби ҳолатлардан арз қилишади. Хорижлик олимлар бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказишди. Маълум бўлишича, уяли телефонлардан фойдаланиш ҳақиқатан бош оғриғи ва хорғинликни келтириб чиқараркан. Боз устига, уяли телефонлар орқали

қанчалик узоқ ва тез-тез гаплашилса, бошнинг оғриғи шунчалик кучаяр экан. Тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефон орқали кўп гаплашувчиларда кўзларнинг ёшланиши, уйқусизлик, дармонсизлик ҳам кузатилади.

Болалар ва ўсмирлар организм эса ташқи муҳитнинг турли омилларига жуда таъсирчан бўлади. Шу боис Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти олимлари болаларнинг уяли телефонлардан узоқ вақт фойдаланишларини тавсия этмайдилар.

10 ёшгача бўлган болалар организмнинг асосий тизимлари (бош миёна, кўз, кулоқ, асаб ва суяк тизимлари) ўсиши ҳали такомил толмаган ҳисобланади. Шу боис, уяли телефон ақлий ишлаш қобилиятини камайтириб, асабийлашишга олиб келади, ўқувчи ва унинг атрофдагиларни ўқув машғулотларидан чалғитади.

Шифокорларнинг тавсиясига кўра, уйда бўлганингизда фақат шаҳар телефонидан фойдаланиш ўринли, ухлаётган чоғда уяли телефонни камида бир метр узоқликда сақлаш лозим. Шунингдек, транспорт воситаларида электромагнит тўлқинларини кўпқарра қайтарувчи жойлар мавжудлиги боис, уларда уяли телефонлардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, 11-15 ёш психологияда кризис-

нинг иккинчи даври деб аталади. Айнан ўсмирлик ёшида ўртоклашиб, хиссий кечинмаларни ифодалаш, янги ахборот ва маълумотларни ўзлаштириш ҳамда тақлид жараёни юқори эҳтиёж тизими эга бўлади. Бундай эҳтиёжлар тизими эса мулоқот воситасида таъминланади. Бугунги кунда бу жараён, асосан, уяли алоқа воситаларида давом этмоқда. Ўсмирлик даврида айнан йигит-қизлар мана шундай замонавий кўринишдаги воситаларга асосланган мулоқотга ўч бўлади. Ҳаддан ташқари нурланиш, мияга электромагнит майдонининг зулуксиз таъсири хавфли касалликларни келтириб чиқариш билан бирга, кучли агрессия ҳиссини пайдо қилиб, психологик тушқунлик кайфиятига ҳам олиб келиш эҳтимол мавжуд экан.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг жуда катта қисми уяли алоқа телефонидан, қолаверса, ярми интернет тармоғидан фойдаланмоқда. Бу юртдошларимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи юқори эканини кўрсатиб турибди. Биз ҳам тараққиётнинг ушбу бебаҳо воситасидан воз кечишга ундашдан йироқмиз, фақат ундан ўринли ва меъёрида фойдаланишни ўрганаёлик.

Даврон ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ЎзМУ тарих факултетининг
4-босқич талабаси

QILMISH-QIDIRMISH

Хужжатсиз "бизнесмен"лар

Игор ва Фарход анчадан буён таниш. Улар бир неча йил олдин битта фирмада оператор бўлиб ишлашган. Кейин корхона ёпилиб, икки ҳамкасбнинг йўли бошқа-бошқа томонга кетди.

Игор ёпилиб кетган корхона жойлашган Яққасарой туманидаги бионинг янги хўжайини фуқаро Фозиллов билан оғзаки тарзда корхона ҳақини келишиб, янги "бизнес" бошлади. Лицензия талаб қилинувчи фаолият, яъни турли кино ва видео маҳсулотлари ёзиб бериш билан давомли тарзда шуғулланди.

Бир муддат бошқа ишлар билан банд бўлган, сўнгги пайтларда эса интернет-кафе очиб орузида юрган Фарход эса аввалги иш жойининг биносида жой борлигини эшитиб, бино хўжайини Фозиллов билан бўш турган хона борасида келишувга эришади. Шундан сўнг икки ҳамкасб янги-янги режалар устида бош қотиришди. Аммо қилаётган ишларини хужжатлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказишни ҳаёлларига ҳам келтиришмади.

Департаментнинг Яққасарой туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширув жараёнида "шоввозлар"нинг ноқонуний ишлари юқоридагилар билан чекланиб қолмагани маълум бўлди. Иш хоналари кўздан кечирилганда сотув учун мўлжалланган катта миқдордаги моллар — қарийб 1300 минг сўмлик яхна ичимликлар, 2738 минг сўмлик уяли телефон аксессуарлари, катта миқдордаги компьютер тизим блоклари мавжудлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Маълум бўлишича, собиқ операторлар қонунга хилоф тарзда, пойтахтимиз бозорларидан нақд пулга сотиб олинган юқоридаги маҳсулотларни чакана тарзда сотиб билан шуғулланиб, тушган даромаддан қонуний асосда солиқ тўлашни хоҳлашмаган.

Яқунда бу икки дўстга нисбатан жиноят иши кўзғатилади. Суд ҳукмига кўра, ноқонуний маҳсулотлар мусодара қилиниб, қонунбузарлар катта миқдордаги жарима жаозасига тортилишди.

Жума ҚАЮМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК
департаменти Тошкент шаҳар Яққасарой туман бўлими бошлиғи

АТ-хабарлар



Маълумотларни оптик усулда узатувчи янги технология 2,56 Тбит/сония тезликни қафолатлайди. АҚШ, Хитой ва Исроил мамлакатлари олимлари ҳамкорликда ишлаб чиққан янги тизим ўта сезувчан механизмга эга бўлиб, унинг ёрдамида оғма ёруғлик оқими узатилади.


Бу тезликка эришиш учун 30 Мбит/сония тезликдаги полосали одатдаги кенг полосали интернет кабелига сонияда 85 000тагача

маълумотлар пакетини 30 Мбит/сония тезликда узатувчи юқоридаги тизим ўрнатилди.



Янги вирус — қоғоз кушандаси. Symantec антивирус компаниясининг хабар тарқатишича, Trojan.Milicenso номили бу вирус чоп этиш серверига тасодифий символлар терилган топшириқни вазифа қилиб жўнатади ва принтер қоғози тугагунча, гарчи антивирус уларни қайд этса-да, чоп этаверади.


Trojan.Milicenso компютерларни турли йўллар билан: электрон почта ёки ўзи жойлашган олган ҳар хил веб-сайтлардаги вирус-скриптлари орқали зарарлайди.



Япониянинг Sharp компанияси энг йирик экранли LED-телевизор (ёруғлик диодида ёритилувчи суяқ-кристалл экранли ТВ) тақдимотини ўтказди.

AQUOS 3D туркумитга кирувчи телевизорнинг экран ўлчами — 90 дюймга тенг. Бошқача айтганда, унинг юзасига iPad планшет-компютерларидан тахминан 5бтасини жойлаштириш мумкин.

Телевизор жамланмасига 3D-кўзойнак, "нотекис" кадрларни тўғриловчи AquoMotion 240 функцияси, Wi-Fi модули ҳамда интернетга кириб Skypедан фойдаланиш имконини берувчи SmartCentral тизими қиради.



Қахрамонимиз бир қарашда бошқа аёллардан деярли фарқ қилмайди. Юз-кўзлари кулиб, одамга очик юз билан қараб турган Дилбар опани кўрган киши дастлаб шундай хаёлга боради. Аммо опа билан суҳбатлашгач, унинг ниҳоятда дилкашлигига, кенг дунёқарашга эга эканига ишонч ҳосил қилади ва беихтиёр унинг сўзларига мафтун бўлиб қолади.

Дилбар опа гапирганда мулоим боққанча дона-дона қилиб сўзлайди. Унинг суҳбатларида кўпинча болалик хотиралари, меҳрибон ота-онанинг ёди, хаётида, турмушида, касбида топган бахту қувончлари ибратли йўсинда ўз аксини тошгани боис киши асло зерикмайди.

— Халол меҳнати орқасидан умргузаронлик қилган ота-онам бизга "қайси касбни эгалласанлар ҳам халол бўлинглар, меҳнатдан қочмасанг, барака топансан", деб насиҳат қилар эди, — дейди опа. — Энди ўйлаб қарасам, бу гапларда ҳикмат кўп экан. Унга амал қилиб кам бўлмадик. Хаётда, оилада, ишда ўз ўрнини топиб, ота-онамининг ишончини оқлашга ҳаракат қилдик. Бу жараёнда дадамнинг талабчанлик ва масъулият, онамининг эса меҳрибонлик, оққўнчилиқ билан берган тарбияси жуда катта ўрин тутди.

Дилбар Аскарова 1953 йилнинг 5 ноябрида пойтахтимизнинг Тинчлик маҳалласида истикомат қилувчи Абдулла ака ва Турсуной опа хонадонидан дунёга келди. Суҳбатдошимизнинг айтишича, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашадиган Абдулла ака фарзандларининг таълим олишига ҳам шу нуқтага назардан қаради ва шунга ундади. Уларнинг ўқимишли ҳамда бирон касбнинг малакали мутахассиси бўлиши учун астойдил ҳаракат қилди.

— Дадам ҳар бир нарсага талабчанлик

Эзгуликка ошно қалб

билан ҳаракат қиларди, — дейди суҳбатдошимиз. — Онам қалби гўзал, юраги нурга тўлган аёл эди. Барча ота-оналар сингари уларнинг ҳам энг катта орзуси биз фарзандларининг камолтини кўриш эди. Бунинг учун улар астойдил ҳаракат қилиб, энг аввало, қизиқишимиздан келиб чиққан ҳолда билим олишимиз учун шароит яратиб беришга ҳаракат қилдилар. Оиламизда темирйўлчиликка қизиқиш жуда катта эди. Мен ҳам ана шу оилавий муҳитдан келиб чиққан ҳолда табиий равишда бу касбга болаликдан меҳр қўйдим.

Болаликдан темирйўлчиликка уйғонган меҳр Дилбар опани Тошкент темир йўл техникумига етаклади. Орзуси ушлаб, ушбу билим даргоҳида уч йил давомида кунт ва иштиёқ билан таҳсил олди.

— Мендаги иштиёқ шу даражада кучли эдики, ўқишни тамомламасдан туриб ўзимни темирйўлчилар сафида тасаввур қилар эдим, — дейди Дилбар опа кулимсираб. — Аммо хаёл бошқа, хаёт бошқа деганларидек, мен бирдангина ўзим севган касбнинг эгаси бўла олмадим. Чунки ўқишни тугатган йили турмушга чиқдим. Уй-рўзгор юмушлари, фарзандлар тарбиясидан ортиб, ишга чиқиш аёл киши учун осон эмас. Ўзим қизиққан, орзу қилган касбнинг, халқона таъбир билан айтганда, этагидан бир оз кеч тутдим. Лекин шунга қарамасдан ишни бошлаган дастлабки кезларимдан ота-онамининг



ўғитларига амал қилган ҳолда масъулият билан ёндашдим.

Бу эса ўз самарасини бериб, тез орада жамоадошлари орасида Дилбар опанинг хислатлари эътироф этила бошланди. Эътироф ўз ўрнида эътибор келтириб, унинг фаолиятини зийнатлади. Айни пайтда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимидаги ВЧД-2 корхонасида самарали фаолият олиб бораётган Дилбар Аскарова хаётда, иш фаолиятида эришган муваффақиятларида ота-онасининг, устозларининг, жамоадошларининг ҳиссаси катта бўлганини фахр билан сўзлайди.

— Мен устозим сифатида катта акам Нормат Эрметовдан жуда кўп нарсани ўргандим, — дейди опа самимиёт билан. — Акам темир йўл соҳасида жуда катта тажрибага эга бўлиб, бу соҳанинг бошқ-

арув тизимида самарали меҳнат қилганини жамоатчилигимиз ҳам яхши билади. Шу ўринда айтишни истар эдимки, акамдан билганларим, ўққанларим болалик пайтимдан бошланган ва бу кейинчалик ҳам давом этди. Бунинг учун акамдан ҳали-хануз миннатдорман. Бу ҳақида ўзларига айтсам, кулиб: "Агар шу гапларнинг рост бўлса, буни аввало онамга айт. Чунки у киши меннинг биринчи устозим бўлади", дея ҳазиллашади. Аслида ҳам акам онажонимни ўзининг энг биринчи устози деб билади. Менинг яна бир устозим Фаррух Дадахўжаевдир. Вақт ўтаверар экан, бугун мени ҳам устоз сифатида ардоқлайдиган шогирдларим бор. Айниқса, "Ўзтемирйўлчи" ОАЖ раҳбари Шарофиддин Қодиров, Абдумалик Абдурахимовлар мени устоз сифатида эъзозлаганларида кўнглимда фахр хиссини туйман.

Касбини улуглаб, меҳнатидан қадр топган бу аёл оилада ҳам эъзода. Уч нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб вояга етказишди. Фарзандлари — Гавхархон, Зулмуор, Зулфия, шунингдек, бир-биридан меҳрибон набиралари уларнинг шириндан-ширин мевалари. Қалби доимо эзгу ишларга даъват этадиган туйвулар билан яшаётган Дилбар опанинг умр дафтарига назар ташлаб, саҳифаларининг ранг-баранг ва мазмунли эканига ишонч ҳосил қилдик.

— Меҳнат кишини улуглайди, деб бежиз айтишмас экан, — дейди опа суҳбатимиз сўнггида. — Бугун овоз ва обод юртимизда халол меҳнат қилаётган ҳар бир инсон муносиб ўрнига эга. Бунга мен ўз фаолиятимда ишонч ҳосил қилдим. Юрт тинчлиги, оила фаровонлиги — буларнинг бари инсон бахтининг ифодасидир. Менинг фаолиятим замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Янги ЭКСКЛЮЗИВ шоҳобча

Навойи ва Бухоро вилоятлари абонентларига хизмат кўрсатувчи "Билайн" савдо белгиси остидаги "ЮнитеЛ" МЧЖнинг жанубий-ғарбий минтақавий филиали Қорақўл тумани марказида янги эксклюзив шоҳобчасини очди.

Таъкидлаш жоизки, "Билайн" бизнесини изчил ривожлантириш йўналишида вақт ўтган сайин қутилган натижа ва аниқ самарага эришилмоқда. Жумладан, ўтган 2011 йилда Фиждудвон тумани, Когон, Бухоро ва Навойи шаҳарларида янги масканлар барпо этилиб, аҳолига намунали уяли алоқа хизмати кўрсатишга киришилган бўлса, жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар бардавомлиги таъминланаяпти. Қорақўлдаги янги шоҳобча бунга аниқ мисол бўла олади. Шуниси эътиборга сазоворки, янги масканда мобил алоқа хизматларидан ташқари, интернет хизматлари ва мобил телефон аппаратлари савдоси йўлга қўйилган.

Мижозлар бу ердан, шунингдек, ўз уяли телефонлари учун тегишли сим карталарни ҳам харид қилиб олишлари мумкин. Мана шуларнинг ҳаммаси қорақўлликлар ва туман меҳмонларининг мобил алоқага бўлган талаб-эҳтиёжларининг ўз вақтида қондириш имконини берапти.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Тарбия оиладан бошланади

Оила бизнинг кўз очиб кўрган масканимиз, меҳр олган ошенимиз. Ҳар бир инсон борки, илк каломини оиласидагиларга айтади, дастлабки тарбияни улардан олади. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, унинг қай даражада камол топиши аввало оиласидагиларнинг унга бўлган меҳри, эътиборига боғлиқ.

Бугун мен, Сиз азиз газетхонлар билан умрири болаларга бағишлаган кекса педагог ҳамда ўнлаб неварачевараларнинг бувиси сифатида тарбиянинг муҳим жиҳати — тўғрисиўзлик ҳақида гаплашмоқчиман. Зеро, бошлаган ҳар бир ишимизнинг баракотли бўлишида муҳим омил саналувчи бу хислатни калбига жо қилиб вояга етган инсондан фақат ва фақат яхшилик куттиш мумкин. Саҳобалардан бири пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан сўради:

— Е расулulloх, мусулмон киши хасис бўлиши мумкинми?

Пайғамбаримиз жавоб бердилар:

— Мумкин.

Саҳоба яна сўради:

— Бахил бўлиши-чи?

— Мумкин, — дедилар расулulloх.

— Ёлгончи бўлиши-чи?

— Мумкин эмас, — дедилар пайғамбаримиз. — Чунки ёлгончилик барча фитналарнинг бошидир.

Дарҳақиқат, тўғрисиўз инсон ҳақиқатни очик гапирди ва бу билан ўзини ҳам, бошқаларга ҳам яхшилик қилади. Яъни, ҳар хил иволларнинг, ғийбатларнинг пайи қирқилади.

Бир кунни ўқувчиларимдан бири мактабга дарсини тайёрламай келибди. Сабабини сўрасам, уйларида қиска тута-



шув бўлиб, чирок ўчиб қолганлигини айтди. Бўлиши мумкин бўлган воқеани айтганидан сўнг унга ишондим. Орадан кўп вақт ўтмасидан яна шу ахвол такрорланди ва бундай ваз-қарсонлар давом этди. Табиийки, мен ўқувчимнинг ота-онаси билан учрашдим. Улар ўйлари кунда, кунора дарс қилгани ўртоқлариникига боришини ва, албатта, суриштириб кўришларини айтишди. Натижа шу бўлдики, ўқувчим тарбияси суст болаларга қўшилиб, спиртли ичимлик ичин, чекиш каби зарарли одатларга ружу қўя бошлаган экан. Қўрдингизми, ёлгон қандай оқибатларга олиб келишини.

Хаётда кўп бора шундай воқеаларга дуч келганман. Ҳаммасининг ҳам оқибати ёмон бўлганлигига гувоҳ бўлганман.

"Ёлгоннинг умри қиска", деб шунга айтсалар керак.

Демоқчиманки, тарбия оиладан бошланади. Ҳеч ким фарзанди ёмон инсон бўлишини, хаётда кўп қоқилишини истамайди. Шундай экан, фарзандларимиз тарбиясига жиддий эътибор билан қарайлик. У ким билан дўстлашяпти, нима иш билан шуғулланяпти? Булар бир қарашда олдий бўлиб туюлса-да, аслида муҳим аҳамиятга эга. Агар бола ота-она назоратини хис қилиб турса, у ёлгон гапирмайди. Оилаларимизда вояга етаётган ҳар бир фарзанд нафақат бизнинг эртанги кунимиз эгаси, балки юртимиз эртаси ақаллигини унутмайлик.

Дилора РАҲИМОВА,
меҳнат фахрийси

Бокс

Тимур Ибрагимов WBA Pan African унвонини қўлга киритди

Наманганда ўтказилган бокс турнирида ўта оғир вазнда WBA Pan African вақант унвони учун ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов (31-4-1, 16 KO) ва Жанубий африкалик Вайзман Дломо (10-9-2, 10 KO) баҳс олиб борди.

Жанг 12 раунд давом этди ва ҳакамларнинг қарорига қўра 117-110, 117-110 ва 116-112 ҳисобида Ибрагимовнинг ғалабаси билан яқунланди.

Теннис

Истомин учинчи даврага йўл олди

Лондон шаҳрида бўлиб ўтаётган нуфузли Уимблдон турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мусобақанинг биринчи даврасида жаҳон рейтингда 23-ўринни банд этиб турган италиялик А.Сепинни қийинчилик билан бўлса-да, 6:7 6:4 3:6 6:3 8:6 ҳисобида енгган Истомин, иккинчи даврада россиялик таниқли теннисчи И.Андреевга қарши қотқа чиқди. Баҳс 6:3 7:6 4:6 6:2 ҳисобида ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди.

Учинчи даврада ҳамюртимиз колумбиялик А.Фалья ва франциялик Н.Маю жуфтлиги ғолиби билан баҳс юритди.



Шахмат

Марказий Осиё кубогидан медаллар шодаси

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафелигида ташкиллаштирилган шахмат бўйича Марказий Осиё кубоги мусобақаси 2011 йили илк мартаба Ўзбекистонда ўтказилганди. Ўшанда Рустам Қосимжонов бош соврин соҳиби бўлганди.

Халқаро турнирга бу гал Қирғизистон мезбонлик қилди.

Турнирни маълумиятсиз яқунлаган халқаро гроссмейстеримиз Алексей Барсов 7 очко жамғариб, мусобақа ғолиби бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида барча совринли ўринлар Ўзбекистон вакилларига насиб этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Нодира Нодиржонова олтин медални қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Ирина Геворкянга, учинчи ўрин Сарвиноз Курбонбоевага насиб этди. Сарвиноз 20 ёшгача бўлган шахматчилар орасида ҳам энг кўп очко жамғаргани учун махсус олтин медал билан тақдирланди. Фахрийлар баҳсида ҳамюртимиз Владимир Егин ғолиб чиқди.




UCG Beeline 2012 чемпионатининг илк финалчилари

"Бухоро Палас" меҳмонхонасида UCG Beeline 2012 Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг худудий финали бўлиб ўтди. Саралаш турнирларининг яқунлари бўйича Бухоро ва Навоий вилоятларининг 150дан ортиқ геймерлари ичидан финалчилар танлаб олинди.

"24 июн куни "Бухоро Палас" меҳмонхонасининг катта залида дунёдаги энг оммавий ўйинлардан иккитаси — FIFA ва Counter Strike 1.6 бўйича худудий финал бўлиб ўтди, — дейди чемпионат ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Бухорода Бухоро ва Навоий вилоятлари геймерлари ўйнадилар. Мазкур худудий саралаш турнирида иштирок этиш учун қарийб икки юз нафар иштирокчи рўйхатдан ўтди. Бухоро геймерлари доимо Ўзбекистон чемпионатларида фаол қатнашиб келганлар. Уларнинг орасида мамлакатда ўтган йилларда ўтказилган чемпионатларнинг совриндорлари бор. Бухородаги худудий саралаш турнирининг ғолиблари "Билайн"дан совғалар билан тақдирландилар, биринчи ўринни эгаллаганлар эса 11 августда Тошкентда миллий финалда иштирок этадилар".

Мазкур воқеани шарҳлар экан, "Билайн"нинг Жануби-Ғарбий филиали директори Гулом Ортиқов қуйидагиларни қайд қилди: "UCG Beeline 2012нинг очилиш ўйинлари бизнинг шаҳримизда бўлиб ўтганидан хурсандмиз. Айнан Бухоро ва Навоий вилоятларида қўпинча "Билайн"нинг илғор технологиялари жорий қилинади. 2009 йилда Ўзбекистонда илк бор умумшаҳар оптик толали локал тармоқ Зарафшонда, бир неча ойлardan кейин эса Учқудукда жорий қилинган. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан юқори тезлик ва барқарор интернет уланиш муҳим бўлган геймерларга ҳам фойдали бўлмоқда".

Финал очилишида табрик сўзи билан Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Хусниддин Ғоиров, ЎзААА Бухоро вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Аллаевлар сўзга чиқибди.



Финал баҳслари бўйича FIFA 2011 ўйинларининг ғолиблари қуйидагилар бўлди:

- 1-ўрин — Сулаймон Бахриев
 - 2-ўрин — Шариф Шамсуддинов
 - 3-ўрин — Сухроб Мухитдинов
- Counter Strike 1.6 жамоавий ўйинида қуйидагилар ғолиб деб топилди:

- 1-ўрин — Зафар Султонов, Жамол Султонов, Шуҳрат Раҳматов, Зафар Ашуров, Ислому Дўсовлардан иборат The жамоаси.
- 2-ўрин — Бекзод Мухоммов, Улукбек Умитов, Хислатилла Шарипов, Фирдавс Юсупов, Акмал Султоновлардан иборат United.UZB жамоаси.

3-ўрин — Баҳром Набиев, Алижон Тешаев, Акрамжон Саноев, Икромжон Абдуллаев, Хабиб Ботировлардан таркиб топган TeamBRK жамоаси.

Барча ғолиб ва совриндорларга "Билайн" компаниясидан совғалар тақдим этилди, Сулаймон Бахриев ва The жамоаси 11 август куни Тошкентда бўлиб ўтувчи миллий финалга йўлланма олдилар.

Чемпионатнинг навбатдаги худудий саралаш турнири 30 июн — 1 июл кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Унда Самарқанд ва Жиззах вилоятлари геймерлари иштирок этадилар.

Олимпиада

Яна битта йўлланма

Козонистоннинг Алмати шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақада терма жамоамиз аъзоси Артём Дятлов олтин медал ва жорий йилнинг 27 июл — 12 август кунлари Лондонда бўладиган XXX ёш Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Мусобақанинг 400 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсида иштирок этган тажрибали спортчимиз масофани 49,78 сонияда босиб ўтиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ҳозиргача спортчиларимиз ҳисобида бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноода эшакка эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, қиличбозлик ва теннис каби спорт турлари бўйича 56 олимпиада лицензияси бор. Енгил атлетикачиларимиз эса йўлланмалар учун курашни давом эттириш имкониятига эга.

Евро-2012: Ким чемпион бўлади?



Европа чемпионати якунига етишига ҳам бир неча кун қолди. Тўғриси, келаётган яқинда оқшомда чемпион номини билиб оламиз. Испанлар яна шохсупада қоладими ёки ўз ўринларини янги чемпионга бўшатиб берадими, бу саволларга жавоб айнан финал ўйинидан кейин маълум бўлади.

Қайд этилган натижалар билан танишинг:

- Чорак финал**
- Чехия — Португалия — 0:1
 - Германия — Греция — 4:2
 - Испания — Франция — 2:0
 - Англия — Италия — 0:0 (пен. бўйича 2:4)
- Ярим финал**
- Испания — Португалия — 0:0 (пеналтилар бўйича 4:2)




Испанлар қийин ўтган баҳсда финал масаласини пеналтилар сериясидагина ҳал қилдилар. Уларнинг финалдаги рақиб ярим финалнинг иккинчи жуфтлиги — Германия ва Италия ғолиби бўлади.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Радиоалоқа, радиоиштитириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Ғолибшер Зияевга волидан мухтарамаси **ХОСИЯТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Радиоалоқа, радиоиштитириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси корхона бош директори Ғолибшер Зияевга волидан мухтарамаси **ХОСИЯТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё радиотелевизион узатиш маркази РТС-Косон телестанцияси бошлиғи **Хусеин НОРЧАЕВИН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдаралик билдиради.



Ўрмонга ўт кетибди.

Ўрмон дарахт-лари дарёдан ёрдам сўрашибди.

— Сен оловдан қудратлисан. Оловни даф этиб, бизни қутқар.

Дарё ўрмонни оловдан асраб қолибди. Дарахтлар дарё шаънига мактовлар ёғди-риб, "Дунёда ундан қучлироқ нарса йўқ. Хеч нарса унинг қудратига тенг келолмай-ди", дейишибди.

Шунда дарё: "Қуёш нурлари мендан қучлироқ. Чунки у бир забтига олиб ер-у кўкни қиздирса, биз бугга айланиб кўкка кўтариламиз", — дебди.

Кўкда нур сочиб турган қуёш бу гапларни эшитиб, "Тун келиши билан менинг ҳуким ўтмай қолади. Тун мендан қучлироқ" деб тан олибди. Аммо тун ҳам ундан қучлироқ бўлган — ер ҳукмига бўйсунганини айтибди. Шунда уларнинг ҳаммаси "Ер барчамиздан қучлироқ экан-да", деган

FARZANDLARINGIZGA O'QIB BERING

хулосага келибди.

Буни

эшитиб қолган ер эътироз билдирибди.

— Кўксимни ёриб тоғ ўсиб чиқмоқда. Агар у мендан қучли бўлмаганида бунга унинг хадди синармиди?

— Чиндан ҳам тоғ метиндек мустаҳкам ва жуда юксак. Балки дунёда энг қучли нарса тоғдир. Келинглр, унинг ўзидан сўраб кўрамиз, — дейишибди.

Тоғ бу баҳс-у, мунозараларни бир четда жимгина кузатиб турган экан. Дунёда энг қучли бу тоғ деганларини эшитиб, чидаб туrolмабди. Улар сўрашга улгуришмасидан жавоб берибди:

— Мен-ку, юмшоқкина ер бағрини ёриб чиққанман. Аммо сиз айтгандек қанчалар мустаҳкам бўлмай, бағримни ёриб минглаб гул-чечаклар ўсиб чиқмоқда. Демак, уларда менда йўқ қудратли куч бўлса керак. Яхшиси сўраб кўринг-

чи, дунёда гул-чечаклардан қучли нима бор экан.

Тоғ елларида нафис эгилиб чайқалаётган гул-чечакларга "Айтинг-чи сиз чиндан ҳам дунёда энг қучлимисиз, хеч нарсадан кўркмайсизми?", деб сўрашибди.

Шунда яшил тўнли, қизил дуррачали бир гул уларнинг баҳсига шундай пукта қўйибди:

— Дарё қуёш нурларидан кўрка кўрқар, аммо биз кўркмаймиз. Ахир биз қуёш нурларини эмиб кўкка бўй чўзамиз. Қуёш тундан кўрка кўрқар, аммо биз ундан ҳам асло кўркмаймиз. Биз тун кириши билан ором оғушида дам оламиз. Тун бўлмаса бундай оромбахш лаҳзалар борлигини билмай ўтардик. Тун ердан кўрка кўрқар, аммо биз ундан ҳам кўркмасмиз. Ахир у бизнинг онамиз. Ердан куч олиб бағрида униб ўсганмиз. Ер тоғдан кўрка кўрқар, аммо бу кўркув бизга умуман бегона. Тоғ бағрини ёриб кўёшга интилсак асло у биздан озор чекмасин. Ахир гул-чечаклардан бошига нафис рўмол ўраймиз. Уни томоша қилгани хув булултар пастлаб ўтаётганини, қушлар эса атрофида чах-чахлашиб сайраётганини кўряписизларми?

Биз дарё ва олов оташидан ҳам кўркмасмиз. Ахир дарё сувлари буғланиб бошимизга ёрмаганида, дарров қуриб хас-чўлга айланардик. Умримиз бундан-да қисқа бўлар эди. Оловда ёмок эса бизнинг қисматимизда бор. Кўрдингизми, биз бир-биримизга қанчалар керакмиз.

Бу гаплар оловга ҳам, дарёга ҳам, қуёшга ҳам, тунга ҳам, ер ва тоққа ҳам маъкул тушибди. Шундай қилиб нозиккина, миттигина гул барчанинг фикрини ўзгартира олибди.

Ҳидоят ОЛИМОВА

BILIB QO'YGAN YAXSHI

Танамизда металл борлиги ростми?

— Бир танишимнинг айтишига қараганда инсон танасида турли металллар бор экан. Шу гап ростми?

Абдушукур ИСМОИЛОВ Фарғона вилояти



— Танишингиз сизга тўғри айтибди. Олимларнинг таъкидлашича, инсон организмида ҳақиқатан ҳам турли металллар мавжуд. Масалан, юракда мис, алюминий, темир моддалари, жигар ва буйракда мис, кўррошин, кумуш, ўпкада эса мис, алюминий, титан мавжуд. Мияда қалай, кумуш, мис, кўррошин бўлса, ошқозон ости безида кобальт, никел, кўррошин, ўт пуфагида кумуш, қалай, мис бўлади.

Флора ВАЛИЕВА, биолог

Обуна давом этмоқда

- Хурматли газетхонлар! "Xabar" га 2012 йилнинг иккинчи ярим йили учун обуна давом этмоқда.
- Газетага "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот таркатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин.




Табриқ.мил.уз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ

Фарғона филиали жамоаси катта нозимчи Комиллаҳон МАМАЖОНОВАни 55 ёши билан табриқлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар бахти-иқболини кўришликни тилайди.

"СОККЕР" КРОССВОРДИ

(Сўзлар олти харфлик бўлиб, белгидан бошлаб соат мили йўналишида ёзилади.)



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

"Газетанинг 22 июн, 25(1031)-сондаги "Евро 2012" кроссворди жавоблари ЭНИГА: 1. Нидерландия. 8. Нойер. 10. Лам. 11. Свена. 12. Грек. 17. Рус. 18. Српа. 21. Апри. 23. Пастикоса. 26. Билек. 28. Билч. 29. Япония. БЎЙИГА: 1. Италия. 3. Россия. 4. Напи. 5. Янг. 6. Ирвечк. 7. Киев. 9. Йонг. 13. Испания. 15. Англия. 16. Франция. 19. Праделли. 20. Балотелли. 22. Дания. 24. Кляши. 25. Икер. 26. Блан. 27. Рой.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҶЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа - акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16517 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёлкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ. Навбатчи: Усмовжон ЙҶДДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------